

**«АСМДА ИННОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАР
БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА САМАРАДОРЛИКНИ
БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИ» мавзусидаги**

МАЪРУЗА

Маърузачи:

Ғ.Дусмуратов

Тошкент– 2020

IV -мавзу. АСМДА ИННОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАР БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА САМАРАДОРЛИКНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИ

- Режа

- 4.1. АСМда инновация лойиҳалари ва инновациялар бозорининг шаклланиши ва инновация самарадорлигини баҳолаш услубияти
- 4.2. АСМда фан ютуқларини жорий қилиш ва инновация лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш услубияти
- 4.3. Инновацион дастурлар самарадорлиги

- **4.1. АСМда инновация лойиҳалари ва инновациялар бозорининг шаклланиши ва инновация самарадорлигини баҳолаш услубияти**

-

- Режалаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий фаолиятни бошқариш шакли сифатида режалаштиришни инкор этмайди, бироқ режалаштиришнинг моҳиятини тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Масалан, советлар давридаги режали иқтисодиётда корхона учун режа давлат аҳамиятидаги бир мажбурият ҳисобланган. Унинг мазмуни ва моҳияти юқоридан туриб қаттиқ назорат қилинган, корхона унга ўзгартириш ёки тузатиш кирита олмаган. Бозор иқтисодиётида эса режа бевосита бажарувчи томонидан тузилади, бошқарилиши давомида у бажарувчи томонидан ўзгартирилиб ва тўлдириб борилади.

- Реал инвестициялар – муайян мол-мулкни яратиш, маҳ-сулотни ишлаб чиқариш, хизматларни кўрсатишга қўйиладиган мол-мулк ёки хом ашё заҳиралари, асосий айланма капиталга қўйилмалар.
- Молиявий инвестициялар – хусусий компаниялар ёки давлат томонидан пул шаклидаги акциялар ёки қимматли қоғозларга қўйилмаларни акс эттиради.
- Интеллектуал инвестициялар – илмий инновациялаш ишланмалари, лицензиялар, ноу-хаулар ва ҳ.к. қўйилмалардир.
- Инвестициялаш фаолияти, капитални сарфлаш ва инновацион ўзгартиришлар масъул, мураккаб қадамдир. Шунинг учун уларни амалга ошириш узоқ вақтли ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишланмалар ва инвестициялаш лойиҳалари таҳлилини тақозо этади.

- Давлат даражасида инновация сиёсатининг асоси назорат ва услбий қоидалар мажмуаси, ҳукумат ва давлат органларининг ташкилий-бошқарув қарорлари, амалий фаолият, илмий-техника салоҳияти ҳисобланади.
- Ушбу соҳада давлатнинг роли қуйидагиларда намоён бўлади:
 - – илм-фанни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
 - – устувор дастурларни қабул қилиш;
 - – устувор илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига давлат буюртмаларини жорий қилиш фаолияти учун контрактлар тузиш кўникмаси ва тартибларини шакллантириш;
 - – илм-фан маҳсулотлари ва жорий қилиш фаолиятини ривожлантириш, улардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш;
 - – инновация фаолияти таваккалчиликларига кафолатчи сифатида чиқиш;
 - – инновация фаолияти субъектларининг ўзаро ҳаракатланишида воситачилик қилиш;
 - – давлатнинг ёки давлат иштироки билан жорий қилиш тузилмаларини ташкил этиш.

- Инвестиция қўйилмалари ва ўзгартиришлар мақсадга мувофиқлигини асослаш учун қуйидаги ҳолатлар бўйича дастлабки таҳлил ўтказилади:
- 1. Техник – унинг натижасида лойиҳани инновация ўзгартиришларига техника (технология) жиҳатидан мос келиши нуқтаи назаридан асослаш амалга ошириладиган.
- 2. Агрономик – (зироатчилик билан боғлиқ лойиҳалар учун) экилаётган экинлар маҳсулдорлигини ошириш усуллари ва имкониятларини, янги технологияларни қўллаш усулларини белгилайдиган.
- 3. Экологик – атроф-муҳитга етиши мумкин бўлган зарар ва унинг олдини олиш ёки кўрилган зарарнинг ўрнини тиклашни белгилайдиган.
- 4. Ташкилий – лойиҳалаштирилган инновация объектидан қандай фойдаланиш тахмин қилинадиган ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий ва маъмурий вазиятни кўриб чиқадиган.
- 5. Ижтимоий-лойиҳанинг ижтимоий муҳитга мос келишини, кадрлар билан таъминланганлик ва ҳ.к. ларни белгилайдиган.

Илмий маҳсулот соҳасидаги бизнес



- Иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китобларини қўллашнинг асосий соҳалари қуйидагилар ҳисобланади:
- – ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий истиқболлар, давлат, тармоқлараро, тармоқ ва минтақавий илмий-техникавий дастурлар;
- – АСМ тармоқларида илмий тадқиқотларни ривожлантириш истиқболий режаларининг техник-иқтисодий асослари, шунингдек, илмий-техникавий маҳсулотни яратиш учун шартномалар;
- – иқтисодий самарадорликни аниқлаш ва янги маҳсулот (шу жумладан, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари, қишлоқ хўжалиги техникасси ва жиҳозлари) ишлаб чиқаришни асослаш;
- – янги техникани жорий этиш режасига киритиладиган тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш;
- – тадбирлардан эришиладиган ҳақиқий иқтисодий самарани ҳисоблаб чиқиш;

- Истиқболда олинадиган самара тармоқлараро ва тармоқ истиқболларини ҳамда техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишда аниқланади.
- Лойиҳалаштиралаётган самара:
 - – дастлабки талаблар ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш учун техник вазифани шакллантириш босқичида;
 - – режалаштирилаётган самара янги техникани яратиш, ишлаб чиқариш ва қўллаш режаларини тузишда;
 - – ҳақиқий самара тадбирларни амалга ошириш натижалари бўйича ҳисоблаб чиқилади.
- Тадбирлар самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш баҳолаш мақсади, асосий баҳолаш кўрсаткичининг тури, таққослаш база-си, ҳисоб-китобларни сегментлаштириш даражаси, дастлабки маълумотларнинг миқдори ва аниқлиги, уларни аниқлаш усуллари билан фарқ қилади.

- **4.3. Инновацион дастурлар самарадорлиги**
- Технологик таваккалчилик миқдори (T_T) илмий лойиҳани илмий-технологик даражасидан, унинг янгилиги (патент ҳимояси), шунингдек, самарадорлик ҳисобланган босқичдан келиб чиқади.
- Истеъмолчидан ишлаб чиқарувчига фойда ўтиши тартиби, одатда, иккита ҳисоб-китобдан бири ёрдамида ҳисобланади: бир йўла ёки йиллик (лицензиялашган). Шаклни танлаш инновация лойиҳасини ўзлаштириш бўйича шартномада қайд этилади.
- Лицензиялаш шакли ҳар иккала томон учун ҳам қулайдир: ахборот-маслаҳат хизмати қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари билан бирга лойиҳалаштирилган самаранинг номутаносиблиги учун моддий жавобгардир, бу, ишлаб чиқариш-нинг юқори сифатини рағбатлантиради; истеъмолчи молиявий маблағларни тезкор бошқариш ва улардан фойдаланиш имконига эга бўлади.

**E'TIBORLARINGIZ UCHUN
RAHMAT!**